

# Сийрат дарслари (164-дарс) Исломда либосга эътибор



17:00 / 17.12.2021 3025

600. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб Шом томон (йўлга) чиқди. У Сарғга етганда, унга Ажноднинг аҳлидан Абу Убайда Жарроҳ ва унинг асҳоблари учрашди ва Шомда вабо тарқаганининг хабарини беришди. Шунда Умар Ибн Аббосга: «Менга биринчи муҳожирларни чақириб кел», деди. Мен уларни чақириб келдим. У уларга маслаҳат солди. Улар эса ихтилоф қилишди. Баъзилари: «Сен (маълум) бир иш учун чиқдинг. Энди ундан қайтишингни маслаҳат бермаймиз», дейишди. Бошқалари эса: «Сен билан бирга одамларнинг қолганлари ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бор. Уларни манави вабога олиб боришингни маслаҳат бермаймиз», дейишди. Умар: «Олдимдан кетинглар!» деди-да, сўнгра: «Менга ансорийларни чақириб юбор», деди. Мен уларни чақириб келдим. Шунда уларга ҳам маслаҳат солган эди, улар ҳам муҳожирларнинг ихтилофдаги йўлини тутишди. Уларга ҳам: «Олдимдан кетинглар!» деди-да, сўнгра: «Менга ҳов анави ердаги Қурайш шайхларидан фатҳ муҳожирларини чақириб кел», деди. Уларни чақириб келдим. Улардан иккитаси ҳам ихтилоф қилмади. Улар: «Одамлар билан орқага қайтишингни, уларни вабо (чиққан) томонга олиб бормаслигингни маслаҳат берамиз», дейишди. Умар одамлар орасида жар чақиртириб: «Мен тонг чоғи йўлга отланаман», деди. Шунда Абу Убайда: «Аллоҳнинг қадаридан қочибми?» деди. Умар унга:

«Шуни сендан бошқаси айтса бўлмасмиди? (Умар унга хилоф қилишни ёқтирмас эди.) Ҳа, Аллоҳнинг қадаридан Аллоҳнинг қадарига қочамиз. Айтгин-чи, агар сенинг туяларинг бўлсаю, улар иккига бўлинган бир водийга тушсалар, бўлакларнинг бири серҳосил бўлсаю, бошқаси қуп-қуруқ бўлса, ҳосилдорида боқсанг ҳам Аллоҳнинг қадари билан боқасан, қуруғида боқсанг ҳам Аллоҳнинг қадари билан боқасан. Шундай эмасми?!» деди. Шу пайт Абдурроҳман ибн Авф келиб қолди. У ўзининг баъзи хожатлари билан кетган эди. У: «Бу ҳақда менда илм бор: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Унинг (вабонинг) бирор ерда борлиги ҳақида эшитсангиз, у томонга борманг. Сизлар турган ерда у тарқаса, ундан қочиб чиқманг»**, деганларини эшитганман», деди. Шунда Умар Аллоҳга ҳамд айтди ва ортига қайтди».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

601. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тилла узук (тақиш)дан қайтардилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

602. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Ҳузуримизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Сочлари тўзиб кетган, пала-партиш бир одамни кўриб қолиб: **«Манави сочини тартибга соладиган нарса топса бўлмасмиди?»** дедилар. Бошқа бир кишининг кийимлари кир эканини кўриб қолиб: **«Манави кийимини ювадиган нарса топса бўлмасмиди?»** дедилар».

*Абу Довуд, Насойй, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**